O’zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Oqdaryo tuman
H O K I M I
Q A R O R I

Р Е Ш Е Н И Е
ХОКИМА
Акдарьинского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

2020 у.г. “20” май **№664 Қ** **Loyish, sh/ г.Лайиш**

Туман худудларидаги каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларининг сувини муҳофаза қилиш зоналари ҳамда соҳил бўйи минтақаларини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги сув объектларининг сувини муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 981-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, туман Ирригация бўлимининг хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6- ва 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Оқдарё тумани ҳудудларидаги сойлар, каналлар, қирғоқ бўйи ҳимоя минтақалари қирғоқдан сув ўтказиш қобилиятига қараб, 25 метрдан 50 метргача, хўжаликлараро канал ва коллектор тармоқлари учун 5 метрдан 12 метргача ҳамда хўжалик ички суғориш ва зовур тармоқлари учун 2 метрдан 7 метргача этиб белгилансин.

2. Хўжаликлараро канал ва коллекторлар қирғоқ бўйи ҳимоя минтақасида сув хўжалиги идоралари рухсатисиз қурилиш ишлари олиб бориш, ифлослантирувчи нарсалар (маиший чиқинди, гўнг, саноат чиқиндилари, маиший оқовалар) ташлаш, шунингдек заҳарли дорилар, минерал ўғит омборлари, ёнилғи мойлаш материаллари омборлари, автомобиллар ёнилғи қуйиш шаҳобчалари, молхона, паррандачилик корхоналари ва бошқа ифлослантирувчи корхоналар қуриш қатъиян ман этилганлиги белгилаб қўйилсин.

3. Туман ҳудудларидаги магистрал, хўжаликлараро ва ички канал ҳамда коллекторлар қирғоқ бўйи ҳимоя минтақаларига сув хўжалиги идоралари рухсати билан қирғоқларни мустаҳкамлаш, сув буғланишини камайтириш мақсадида мавсумий қишлоқ хўжалиги экинларини экишга рухсат берилсин.

4. Мазкур қарор тумандаги “Оқдарё овози” газетасида расмий эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6.Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман Қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи Р.Умаров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Н.Сулаймонов**

DEVONXONA